
Ўқитувчиларга ҳақ тўланадиган таътил берилиши керак

Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги маълум қилди (<https://www.uzedu.uz/uz/oqituvchilarga-haqtolanadigan-tatil-berilishi-kerak>). Жумладан вазирлик хабарида шундай дейилади:

«ОАВда Тошкент мактабларидаги ўқитувчилардан оилавий шароитига кўра ўз ҳисобидан икки ҳафта таътил олиш учун ариза ёзиши талаб этилгани тўғрисида мақола эълон қилинди. Мақолада айтилишича, бундай аризаларни олиш тўғрисида 16 март куни буйруқ олинган.

2020 йилнинг 15 март куни Халқ таълими вазирлиги соҳа ходимларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ навбатдан ташқари таътилга чиқиши тўғрисида расмий баёнот берди. Баёнотда ходимлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат таътилининг бир қисмини олиши мумкинлиги таъкидланди.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳақ тўланадиган таътил беришга оид талаблар белгиланган (Меҳнат кодексининг 143-моддаси). Агар ушбу талаблар бажарилмаса, ходимларга қонунчиликка мувофиқ иш ҳақи тўланмайдиган таътилга чиқиш таклиф қилинади.

Шунингдек, 2020 йил 17 мартда бўлиб ўтган брифингда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ҳукумат комиссиясининг қарорига биноан 18 мартдан бошлаб, барча ўқитувчиларга меҳнат таътили берилишини эълон қилди.

2020 йил 17 мартда Халқ таълими вазирининг тегишли буйруғи қабул қилинди. Буйруқда қайд этилишича, истисно тариқасида ходимларга йиллик таътилнинг қисқариши муносабати билан навбатдан ташқари таътил берилади.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши ҳақида ёзган ходимлар ҳужжатларни қайта расмийлаштириш учун мактаб маъмуриятига мурожаат қилишлари мумкин.

Шу билан бирга, халқ таълими ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарларига ҳақ тўланадиган таътилни рўйхатдан ўтказиш талабларига риоя этишни таъминлаш вазифаси топширилди», - дейилади вазирлик ахборотида.

2020-03-20 19:18:57